



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 83 (13.930)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ, ПЕНСИЯЛАР ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАР МИҚДОРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар тайинлаш ҳамда солиқлар, давлат божлари, жарималар, йиғимлар ва бошқа тўловларни ундириш ўртасидаги шартларнинг боғлиқлигини бартараф этиш мақсадида:

1. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига:

577 170 сўм миқдорда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори;

202 730 сўм миқдорда базавий ҳисоблаш миқдори;

202 730 сўм миқдорда пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори:

1,0 тариф коэффициентини бўйича Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси биринчи разряди бўйича ойлик тариф ставкасининг пулдаги ифодаси ҳисобланади;

меҳнат муносабатлари соҳасида лавозим маоши, устамалар, қўшимча ҳақ, гонорар, қўшимча иш учун компенсация тўловлари ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларнинг бошқа турлари, шунингдек, қонунчиликда белгиланган ушланмалар, илгари энг кам иш ҳақига нисбатан белгилаб қўйилган бошқа тўловлар миқдорини аниқлашда ҳамда оилаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтожлиги ва ишсизлик бўйича нафақалар миқдорини аниқлашда қўлланилади;

белгиланган меҳнат нормаларини тўлиқ бажарган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг қуйи чегараси сифатида ташкилий-ҳуқуқий шакли ва меҳ-

нат муносабатларидан қатъи назар барча иш бевувилик учун мажбурий ҳисобланади;

б) базавий ҳисоблаш миқдори:

солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат божлари ва кўрсатилган давлат хизматлари учун бошқа тўловларнинг миқдорларини;

тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун патент, лицензия ва бошқа тўловларнинг қиймати, ташкилотларнинг устав ва бошқа фондлари (капитали) миқдори, пулсиз шаклда тўланадиган акциялар, бошқа қимматли қоғозларнинг қиймати, юридик шахслар активларининг баланс қиймати, микрокредитлар ва лизинг, шунингдек, бошқа молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг чекланган миқдорини аниқлашда қўлланилади;

в) пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори пенсия таъминоти соҳасида пенсиялар, устамалар, қўшимча ҳақ ва компенсация тўловлари, шунингдек, ходимларнинг меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки улар ўзлари меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни қоплашда қўлланилади.

3. Белгилансинки:

энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган устамалар, қўшимча ҳақ, мукофотлар ҳамда бошқа компенсация ва рағбатлантирувчи тусдаги тўловларнинг барча турлари мазкур тўловларнинг сўмда ифодаланган амалдаги миқдорларини сақлаб қолган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади (зарур ҳолларда кўп томонга яхлитланади);

қонун ҳужжатларида мазкур Фармоннинг 2-бан-

дида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлашнинг бошқа тартиби ўрнатилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқиш ҳамда нафақалар, компенсациялар ва тўловларнинг алоҳида турлари миқдорларини мутлақ суммада белгилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

мазкур Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қўллаш ҳамда ташкилотларда меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш тизимини белгилаш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар уч ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 21 май

GERMANIA BILAN RAQAMLI IQTISODIYET IYNALISHIDA KADRLAR TAYIRLANADI

Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил январь ойида Германия Федератив Республикасига ташрифи чоғида кўплаб соҳалар қатори таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, маданий алоқалар ва сайёҳлар алмашинувини кенгайтириш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Ушбу ташрифдан сўнг Тошкент давлат иқтисодиёт университети вакиллари билан иборат делегация Германияда бўлиб, халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича музокаралар олиб борди.

Университет ректори Баҳодир ХОДИЕВ ташриф тафсилотлари, эришилган келишувлар, ҳамкорликда ҳаётга жорий этилиши белгиланган лойиҳалар ҳақида ЎзА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ташриф доирасида Германиянинг қатор университетларида бўлиб, ўқитувчи ва талабалар алмашинувини йўлга қўйиш, қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш, семинар ва илмий анжуманларда иштирок этиш ҳамда махсус ўқув дастурлари асосида стажировка ва малака оширишларни ташкил этиш масалаларини муҳокама қилдик.

“Weihenstephan-Triesdorf” университети президенти Эрик Вулиат, олий таълим муассасасининг халқаро алоқалар бўйича вице-президенти Карстен Лорз ва кишлоқ ҳўжалиги факультети декани Ральф Шлаудерер билан учрашувда ҳамкорликда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма диплом дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш масалаларини муҳокама этдик.

Музокаралар натижасига кўра, Тошкент давлат иқтисодиёт университети вакиллари Самарқанд филиалини ташкил этишга келишилди. Мазкур филиал нафақат аграр соҳа, балки Марказий Осиё давлатлари учун иқтисодни кадрларни тайёрлайдиган, икки томонла маълум беришга мўлжалланган олий ўқув юрти бўлади.

Дастлаб филиалга 2019-2020 ўқув йили учун “Рақамли иқтисодиёт”, “Озик-овқат ва ресурслар иқтисодиёти”, “Агробизнес ва маркетинг”, “Буҳгалтерия ҳисоби ва аудит” каби таълим йўналишларида талабаларни қабул қилиш режалаштирилган.

“Weihenstephan-Triesdorf” университетиде бакалавр дастурлари немис тилида амалга оширилади. Келишувда ҳам немис тили бўйича махсус тил сертификатига эга номзодлар дастурларда иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Шу боси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан

ҳамкорликда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Хорижий тилларни интенсив ўқитиш маркази фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 100 нафар тингловчи немис тилини билиш даражасини яхшилаш имконига эга бўлади.

“Weihenstephan-Triesdorf” университети раҳбариятининг мамлакатимизга ташрифи доирасида бир вақтнинг ўзида магистратура бўйича икки олий таълим даргоҳи дипломини олиш имконини берадиган дастурни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди кўзда тутилган.

Университетимиз вакиллари Ганновер шаҳрига сафари чоғида “Volkswagen” автомобиль концерни қошидаги тадқиқотлар илмий фондида бўлди. Ганновер шаҳридаги “Leibniz” ва “Hamburg-Harburg” техника, Ветеринария тиббиёт университети вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди. Таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишиб, ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Германиянинг “Darmstadt” техника университетидаги музокаралар доирасида ўзаро ҳамкорликка доир шартнома имзоланди. Келишувга кўра, жорий йилнинг апрель ойида 15 нафар профессор-ўқитувчи ва талабалардан иборат “Darmstadt” техника университети делегацияси университетимизда бўлиб, амалий машғулотларда иштирок этди. Эндиликда университетимиз педагог жамоаси ва талабаларининг мазкур университетга сафарлари уюштирилиши белгиланган.

Ҳозирги кунда яна бир самарали ҳамкорлик Германиянинг “Steinbeis” университети билан амалга оширилмоқда. Келгусида имзоланиши режалаштирилган меморандум асосида профессор-ўқитувчилар, талабалар алмашинуви йўлга қўйилади. Ушбу олий таълим муассасасининг рақамли иқтисодиёт бўйича кадрлар тайёрлашдаги тажрибасини ўзлаштириш мақсадида мазкур йўналишда магистрлар тайёрлаш бўйича истиқболли ҳамкорликни рўёбга чиқариш ниятидамиз.

Германиядаги олий ўқув юртлири билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мамлакатимиз келажаги учун зарур бўлган рақобатбардош кадрлар сафини кенгайтиришга хизмат қилади.

Барно МЕЛИКУЛОВА
э.и.б. о.и.



КЎНГИЛЛАРГА ШОДЛИК УЛАШДИ

Пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” санъат саройида “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси тасарруфидаги маданият муассасалари ижодий жамоалари “Қизилқум жавоҳирлари” деб номланган концерт дастурини намойиш этди.

Бадий дастур турли миллат вакиллари билан аънавий кўшиқчилиги ва фольклор намуналарини жамлангани билан аҳамиятли бўлди.

– Биз Тошкентда олти йилдан буюн концерт дастуримизни намойиш қилиб келамиз, – деди Навоий кон-металлургия комбинати ходимлари қасаба уюшмаси кенгаши раиси Исроил Раҳматов. – Концерт дастуримизда 500 кишилик ижодий жамоамиз қатнашди. Уларнинг фаоллигини, катта сахналарда чиқишларини таъминлаш учун корхонамиз раҳбарияти ҳамisha қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу эса уларнинг санъат соҳасида юқори натижаларга эришишига пухта замин яратмоқда.

Концертда “Учқудуқ”, “Марварид”, “Фаввора”, “Зарпарчалар”, “Афсона”, “Садо”, “Соната”, “Счастливое детство” каби ижодий жамоалар ўзининг бетакрор чиқиш-

лари билан барчага кўтаринки кайфият улашди.

– Ҳар бир жамоанинг чиқиши ўзига хос йўналишда бўлди, – деди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси Феруза Поёнова. – Очигини айтсам, уларни тинглаб, кайфиятим кўтарилди. Айниқса, артистларнинг эғнада сазовор бўлиш ҳам катта жазо. Зални тўлдириб ўтирган ихлосмандларнинг давомли олқиш қарсақлари бу фикримга аяқол жавоб бўла олди.

Дастур доирасида тасвирий санъат ихлосмандларига “Кўнгилик куши” деб номланган кўргазма тақдим этилди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Ташаббус – 2019” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда асосий йўналишлар бўйича голиб чиққан барча тадбиркор ва хунармандлар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритишди. Танловда бир қатор номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

• Республика Маънавият ва маърифат маркази қошидаги “Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг таникли олимлар, маданият ва санъат арбобларидан иборат тарғибот гуруҳи Сурхондарё вилоятига келди. Тарғибот карвони икки гуруҳга бўлинган ҳолда иш олиб бормоқда. Бундай маданий-маърифий тадбирлар вилоятнинг Кизирик, Музработ, Денов ва Олтинсой туманларида ҳам бўлиб ўтаётир.

• Самарқанд давлат университетиде “STEMM” лойиҳаси доирасида Исроил Холон технология институти ҳамкорлигида “Фан, технология, таълим, математика ва тиббиёт” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Меҳмонлар Исроил олий ўқув юрларидаги таълим жараёни, замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳақида маълумот берди.

• Жиззах вилояти Зафаробод туманида Хитой Халқ Республикасининг “Хуасин цемент” компанияси томонидан барпо этиладиган цемент заводи пойдеворини қуйишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Вилоят ва туман ҳокимлиги масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда ушбу корхона туман иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

ЖАҲОНДА

• Украина президентлигига янги сайланган Владимир Зеленский Киевда расмий қасамёд қабул қилди. Олий Радада унга президентлик ваколатларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

• Чилида Сантьягодан йўлга чиққан автобуснинг жарга қулаб тушиши натижасида олти киши ҳалок бўлди, қирқ нафар одам жароҳатланди. Ҳозирда ҳайдовчи ҳибсга олинган бўлиб, суриштирув-тергов ишлари олиб борилмоқда.

• Непаллик Ками Рита сайёрамизнинг энг баланд чўққиси – Эверест тоғига кўтарилиш сони бўйича рекорд ўрнатди. 49 ёшли эркек чўққига 23-март кўтарилди. Рита Тибетнинг тоғли ҳудудларида яшаган одамлар авлоди – шерплар вакили ҳисобланади. Шерплар альпинистларга чўққига кўтарилишларида нарсаларини кўтаришда ва зарур нарсалар билан таъминлашда ёрдам берадилар. Рекордчи биринчи марта Эверестга 1994 йилда кўтарилган ва ўшандан бери деярли ҳар йили чўққига уюштирилаётган экспедицияларда иштирок этади.

ҚИСКА САТРАПДА

• Пойтахтимизнинг Ёшлар ижод саройида “EXPO-CONTRACT FOODS & GOODS UZBEKISTAN 2019” Ўзбекистон – Россия халқаро кўргазмаси ўз ишчи бошлади.

• Тошкент шаҳар ҳокимлигида Швейцариянинг эскалатор, лифт ва травалаторларни ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялардан ҳисобланган Schindler компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда шахримизда замонавий лифтларни ишлаб чиқариш масаласи муҳокама қилинди.

• Сергели туманидаги замонавий хонадонларнинг калитлари ижтимоий ҳимояга муҳтож 22 оилга топширилди.

Худудларни ривожлантириш – фаровонлик омили

Республика ишчи гуруҳи пойтахтимизнинг Чилонзор туманида аҳоли муаммоларини ўрганиб, жойларда бартараф қилинмай қолган камчиликларни ўрганди.

Дастлаб тумандаги 2-сонли шаҳар қабристонидан кечирилганда айрим салбий ҳолатлар мавжудлиги аён бўлди. Марҳумларни зиёрат қилгани келганлар учун қулай шароит яратилмаган. Қабристон дарвозасидан кирганда ўрнатилган жўмрақлардан сув тўхтовсиз оқиб турибди. Охираб муддаоси, савобу гуноҳлар кўз олдингиздан ўтувчи масканди бу манзара таъбингизни хира қилиши табиий. Мутасаддилар канализация тизими эскирган, дейиши ҳолис.

Асосий муаммо тўпланиб қолган чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиб кетишмаслиги экан. Қабристон ҳудуди 110 гектар бўлиб, 65 ходим ишлайди. Бу ерда ижара асосида фаолият юритаётган тош кесиб ва темир панжара чеки ишчилари меҳнати қонуний расмийлаштирилмаган. Улар учун қулай шароит йўқ, ўрганишлар давомида цехларда электрдан фойдаланиш, техник қондалар, санитария-эпидемиологик талабларига амал қилинмаслиги кузатилади.

Навбатдаги манзилда "Отчопар" бозори рўпарасидаги "Бешқўрғон" МФИдаги Бунёдкор шохқўчасидаги ҳолат ўрганилди. Бу ердаги бозорга олиб ўтувчи ер ости йўли, автобус бекати аҳоли катновига қулайлик яратиш учун хизмат қилиши керак. Бироқ кўчадаги ноқонуний, тартибсиз савдолар тирбандлик келтириб чиқармоқда. Аҳоли ҳам бунга қўниқшига мажбур. Ишчи гуруҳ вакиллари ушбу муаммоларни ўргана бошлаганини кўрган сотувчилар бирин-кетин сотаётган озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотларини йиғиштиришга тушди. Сотувчилар бундай ҳолатга доим тайёр туради шекли, кўз очиб-юмгунча кўча атрофи бўшаб қолди.

Шунингдек, автобус бекати ёнидан ўтган канал атрофи эътиборсиз қолдирилган. Чикинди ва ёввойи ўтлар анчадан буён тозаланмагани сабаб кўрган кишининг кайфияти бузилди. Мутахассислар жазирема кунда пидедалар ҳаракатланганига ҳалал бериб, савдо қилаётган айрим сотувчилар билан суҳбатлашди. Уларни қийнаётган муаммолар билан танишди.

Кўнанинг бироз нарисида жойлашган "Бешқўрғон" савдо мажмуасидаги ҳолатни кўрган киши ҳайрон қолади. Сабаби, 2 гектардан ортик майдонда жойлашган ушбу мажмуа деярли бўшаб қолган. Унинг ичидида 236 савдо дўконидан эса тадбиркорлар маҳсулотларини вақтинча сақлаб туришга мўлжалланган омбор сифатида фойдаланилмоқда.

Кўчадаги деҳқон ва сотувчиларнинг ноқонуний савдосини тартибга солиш, уларга қулай раста ва жойлар ажратиш борасида кўлдан буён мутасаддиларга

ўз тақлифларимизни берганмиз, – дейди "Great progress" МЧЖ бош муҳандиси Фарход Толипов. – Биз хомаки чизма асосида бирор натижага эришолмаямиз. Бино учун зарур бўладиган канализация, электр ва бошқа зарур жиҳозларни ҳам ўрнатиш керак бўлади. Бироқ ўртада тушунмовчилик бўлаётгани қурилишни ташкил қилишга тўсқинлик қилмоқда. Буюртмачи ташкилот эса бошланғич маблагни ҳисобимизга ўтказганини рўқач қилиб, бино лойиҳаси чизмаси тасдиқлаштирилиши кутмаётгани бизни ҳайрон қолдирди.

Кўнанинг иккинчи ярмида ишчи гуруҳ аъзолари худуддаги қайта капитал таъмирдан чиқарилган 37-оилавий поликлиника шароитини ўрганди. Айни пайтда ушбу тиббиёт мажмуаси тўлиқ замона-

вий, барча қулайликка эга. Бироқ хоналарда бирорта тиббий ва бошқа зарур жиҳозлар йўқ. – Поликлиникамиз 40 минг аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган, – дейди поликлиника бош шифокори Тўлқин Эргашев. – Таъмирлаш жараёни 2018 йил май ойида бошланиб, ноябрь ойида тугалланди. Мана, ярим йилдирки, зарур жиҳозлар йўқлиги, маблаг етишмаслиги туфайли фаолиятимизни бошлаш олмаямиз. Бу ҳолдан аҳоли норози.

Бундан ташқари, "Бешчинор" МФИда олиб борилган ўрганишлар бартараф қилиниши керак бўлган кўплаб муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатди. Жумладан, 31-, 38-, 41-кўп қаватли уйлар атрофи тартибсиз равишда сим тўсиқлар билан ўраб олинган. Маҳалла худудидagi гаражлар атрофи чиқиндига тўла, уларни бузиб, ўрнига замонавий автоу-раргоҳ қуриш тақлифига кўпчилик қаршилик қилган. Кўп қаватли уйлар атрофидаги бу каби тартибсизликлар сабаб жамоат транспорти ҳаракати анча чекланган. Болалар майдончалари ҳам қаровсиз, таъмирталаб ҳолатда. Кўчаларда оқова сув учун мўлжалланган лотоклар қўмилиб кетган.

"2-Катта Чилонзор" МФИ худудида жойлашган 55-уйдан 61-уй атрофигача суғориш учун мўлжалланган лотоклар

қўмилиб кетган, бори ҳам яроқсиз ҳолда. Уйлар атрофлари чиқиндилардан тозаланмаган, дарахларга шакл берилмаган, ободонлаштириш ишлари олиб борилмаган.

Кўча йўлакларини ёритувчи чироқлар эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Болалар ўйингоҳлари ва спорт майдончалари қаровсиз ҳолатда. 61- ва 63-уйлар ораллигидаги болалар ўйингоҳи ўзбошимчилик билан ўраб олиниб, бир шахсга тегишли бўлиб қолган. Уларнинг ён атрофига чиқиндилар ташланган ва олиб чиқиб кетилмаган.

Шу худудда жойлашган 163-умумтаълим мактабининг орқа томонидаги девор панжаралари очик, яроқсиз ҳолатда ва атрофларига чиқиндилар ташланган, санитария-гигиена ҳолатига жавоб бермайди. 40- ҳамда 47-уйлар атрофи чиқиндиларга тўлиб ётибди. Уларнинг ертўласида газ баллонлар сақланиб келинган. Йўл ва йўлақлар таъмиртама муҳтож.

Ишчи гуруҳ вакиллари "3-Катта Чилонзор" МФИдаги муаммоларни ўрганди. Маҳалла худудида жойлашган 65-уйдан то 70-уйгача бўлган худуд чиқиндилардан тозаланмаган. Бузилган гаражлар ўрни чиқиндигоҳага айланган. Дарахлар шаклсиз ўсмоқда, ободонлаштириш ишлари қоникарсиз. 67-уйнинг ертўла қисмини сув босган, чиқиндига тўлган. Уй атрофидаги йўл ва пидедалар йўлакчалари таъмирталаб аҳволда, кўча ёритиш чироқлари мавжуд эмас.

Маҳалла худудида жойлашган 162-сонли футбол мактабининг орқа томонидаги темир панжаралар яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Маҳалла худудидан ўтувчи канал қирғоқлари ахлат ва чиқиндилар билан тўла. Бу эса санитария-гигиена талабларига зид.

70-уй ва канал ораллигидаги йўллар асфальтланмаган, таъмирталаб. 68-уй ҳамда 70-уй ораллигидаги савдо учун мўлжалланган бир қаватли бино қаровсиз ҳолда, атрофи чиқиндилардан тозаланмаган.

"Новза" маҳалласининг И-24 мавзесида жойлашган 8-, 6- ва 4-уйлар олдиндан ўтувчи йўл таъмирталаб, асфальт кўнган. 6-уйнинг зах босган ертўласи чиқинди тозаланмаган. 8-уй олдиндан ўтган канал атрофида ноқонуний қурилмалар бор, қирғоқлари ахлатга тўла. Болалар хавфсизлиги учун қирғоқ атрофига тўсиқ ўрнатилмаган. Ушбу худудда болалар спорт майдончалари ва ўйингоҳлари мавжуд эмас.

Республика ишчи гуруҳи кун давомида ўрганилган муаммоларни "Йўл харитаси"га киритиб, масъул идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда уларни ҳал қилишга киришди.

Абдулазиз МУСАЕВ, Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА махсус мухбирлари

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ МУАММОЛАР ҚАЧОН ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПАДИ?

тагидан ўтган оқова сув қувуридан қўлбола музлатгич сифатида фойдаланаётган уздабурон тадбиркорлар бугунгидай иссиқ кунларда яхна айрон сотишини йўлга қўйган. Суриштирувлар давомида мажмур оқова сувда салқинлатиш учун маъқулаб қўйилган махсус идиллардаги айрон эгаси бошлаган тижоратини ҳам, ўзини танитишини ҳам истамай, воқеа жойидан қочиб бўлди.

Ишчи гуруҳ вакиллари бу каби салбий ҳолатларга чек қўйиш, аҳолининг сифатли оқватланишини таъминлаш ва савдо мажмуаларидан унумли фойдаланиш чораларини қўриш бўйича тақлифлар олди.

Шундан сўнг мутахассислар тумандаги Республика олимпия захиралари коллежиди бўлди. Бу ерда айрим сабабларга кўра, анчадан буён қурилиши якунига етмай қолган бино билан боғлиқ масала кўрилди. 2019 йилнинг апрель ойидан бошлаб "Great progress" масъулияти чекланган жамиятига буюртмачи компания томонидан 0,86 гектар майдонда оғир атлетика мажмуасини қуриш топширилгани маълум бўлди. Жорий йилнинг октябрь ойида фойдаланишга топширилиши керак бўлган спорт мажмуасининг лойиҳа чизмаси ҳалигача тасдиқланмаган.

– Шу муаммолар туфайли қурилиш

"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури – амалда

ГАРОВСИЗ АЖРАТИЛАДИГАН КРЕДИТ МИҚДОРИ ОШИРИЛАДИ

"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида Тошкент шаҳрида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун гаровсиз ажратилаётган микрокредитлар миқдорини энг кам иш ҳақининг 150 баробари (30 409 500 сўм)дан 300 баробари (60 819 000 сўм)гача ошириш режалаштирилмоқда. Бу ҳақда Давлат солиқ қўмитасида ёшлар билан ўтказилган мулоқотда қўмита раиси ўринбосари Олимжон Файзиев маълум қилди.

Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида яқин икки ой ичидида аҳолига 347 миллиард сўм миқдориди имтиёзли кредит ажратилди.

– Бу маблагни ўзлаштириш жуда осон. Масалан, 10 нафар тадбиркорни чақириб, мана сизларга 350 миллиард сўм, деб берсангиз, улар талаб юқори бўлиб турган меҳмонхонани қуриши мумкин. Бу билан 500 та янги иш ўрни яратилса, яратилар, ундан ортик эмас. Лекин мақсад бошқа. Бу 7-8 фоизли кредитлардан ижтимоий масалалардан келиб чиқиб, мақсадли фойдаланиш керак. Яъни, бу маблаг ҳар бир оилани тадбиркорликка жалб қилган ҳолда ўзлаштирилади, – деди Олимжон Файзиев.

Ҳозирда Тошкентдаги 506 та маҳалла идорасида солиқ ва банк ходимидан иборат штаб тузилган. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлганлар "Ҳар бир оила – тадбиркор" дасту-

ри доирасида кредит олиш шартлари ва солиқ тўловлари ҳақида маҳаллалардаги ушбу штаблардан маълумот олишлари мумкин.

Таъкидлаш жоизки, низоми 2018 йил июнида тасдиқланган "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурига мувофиқ, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача (17 май ҳолатига кўра – 30 409 500 сўм), қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 1000 бараварига миқдорда (202 730 000 сўм) имтиёзли микрокредитлар ажратилади.

Олти ойгача имтиёзли давр билан уч йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратиладиган ушбу микрокредитларнинг фоиз ставкаси йиллик 8 фоиз миқдориди белгиланган. Энг кам иш ҳақининг 150 баравари (30 409 500 сўм)гача бўлган микрокредитлар учун гаровга нарсас қўйиш талаб этилмайди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент давлат шарқшунослик институтида "XXI асрда жаҳон сиёсати ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзусида анъанавий республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этиш вектори, "Жаҳон сиёсатининг методологик ва назарий масалалари" "XXI асрда хорижий давлатлар ташқи сиёсати ва ташқи сиёсий фаолиятининг долзарб муаммолари", "Халқаро муносабатларда шарқ давлатларининг инновацион ёндашувлари", "Халқаро муносабатлар

дий ташкилий масалалари, халқаро муносабатларда инновацион ёндашувлар ва унда Ўзбекистоннинг ўрни ҳақида маълумотлар каби кўплаб масалалар ўрин олган.

Конференция материалларининг тўплам сифатида нашр қилиниб, иштирокчиларга тарқатилгани, анжуманда савол-жавоб, фикр алмашувларда кўл келди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

АҚШЛИК МУТАХАССИСЛАР ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабиди "Ўқитишнинг замонавий услублари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

"Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат ташкилоти (Словения) кўмагида ташкил этилган тадбирда маҳаллий мутахассислар, АҚШ суд тизими вакиллари иштирок этди.

Меҳмон иштирокчилар ўз мамлакатиди судьялар лавозимига номзодларни ўқитиш, судьялар ва суд ходимларининг малакасини оширишга доир амалдаги тажриба ҳақида маълумот берди. Интерактив машғулотлар ўтказилди.

Семинар ўзаро мулоқот, баҳс-мунозара руҳида ўтди, янги форматдаги машғулотлар ҳам тадбир таъсирчанлигини оширди, – дейди Судьялар олий мактаби ўқитувчиси Умид Сайдахмедов. – Иштирокчилар янги судьяларга қўйиладиган талаблар, суд таълимининг тамойиллари, электрон таълим, вебинар ва видеоконференц таълим янгиликлари, бу борада АҚШ Федерал суд маркази тажрибаси билан яқиндан танишди.

Айтишларича, ўзбекистонлик профессор ва ўқитувчилар гуруҳининг АҚШга бориши, у ерда суд тизимига доир ўқув жараёнларини ўрганиши режалаштирилган.

АҚШ Федерал суд маркази юристи Джим Чансинг гагиға кўра, АҚШда судьяларни ўқитиш таълим дастурида уларнинг етакчилик, судларни бошқариш каби қобилиятларини ривожлантириш, этика маданиятини шакллантиришга ҳам кўп эътибор қаратилади. Шунингдек, онлайн ва интернет курслари ҳам муваффақиятли йўлга қўйилган.

Хорижлик мутахассислар Ўзбекистонда судьялар учун ўқув дастурини ишлаб чиқишда аниқ тамойилларга асосланишни тавсия қилди.

АҚШ Федерал суд маркази мамлакат суд ҳокимиятининг соҳага доир тадқиқот олиб борувчи ҳамда таълим муассасаси бўлиб, 1967 йилдан фаолият юритади.

АҚШ Олий суди раиси Федерал суд маркази бошқаруви кенгаши раҳбари ҳам ҳисобланади. 2019 йилда марказнинг бюджети 29 миллион долларни ташкил этган. Марказ Федерал ва округ даражасидаги барча судлар судьялари билан бир қаторда судларда фаолият кўрсатувчи адвокатларни, федерал ҳимоячиларни (давлат ҳимоячиси), суд мажлиси котибларини (судья ёрдамчилари), пробацция ва судгача хизмат кўрсатиш ходимларини ўқитишдан ҳам яхши даромад олади.

(ЎЗА)

ЗАМОНАВИЙ АКТИВ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Финляндиянинг Kaukointernational компанияси директори Маркус Тукканен билан учрашув бўлиб ўтди. Ўзаро мулоқот давомида Тошкент шаҳри коммунал хўжалиги тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш масалалари муҳокама этилди.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, Kaukointernational компанияси саноят маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва халқаро савдонини ташкил этиш билан шуғулланувчи йирик корпорациядир.

Учрашувда Бахтиёр Раҳманкулов пойтахтимизда коммунал хўжалик тизимларини замонавий, барқарор ишлаш қувватига эга техника-технологиялар билан таъминлаш, эскирган ускуналарни янгилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди. Финляндиянинг Kaukointernational компанияси директори Маркус Тукканен эса улар тақлиф этаётган FLUIDIT дастури сув таъминоти тизимиди юзага келиши мумкин бўлган хавфдан оқшантириш хусусиятига эгалиги ва шу орқали мавжуд техника ва қувурларнинг фойдаланиш муддатини узайтиришга, уларга кетадиган харажатларни камайтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Учрашув давомида сув таъминоти бўйича финлар технологиясини шахримизда жорий этиш бўйича ҳамкорлик масалалари атрофича муҳокама этилди.

УЧТЕПА ТУМАНИДА ЁШЛАР МАРАФОНИ ЎТКАЗИЛДИ

Пойтахтимизда "Учтепада 5 та ташаббус!" ёшлар марафони ўтказилди.

Ушбу тадбир давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг ижросини таъминлашга қаратилди. Тадбирнинг мақсади ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишдан иборат.

Марафон доирасида иштирокчилар Фарход ва Ари Қушчи кўчалари чорраҳасидан то Катта Хирмонтепа ва Ширин кўчалари чорраҳасигача бўлган 2 километр масофага югуришди.

Марафон ғолиблари "Экобо"да бўлиб ўтган маданий тадбир доирасида тақдирланишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

ДАВЛАТ БОЖИНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

Давлат божини тўлаш асослари, миқдори ва тартиби, уни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш, тўлашдан озод қилиш тартиби, давлат божини қайтариш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 342-моддаси талабига кўра, давлат божни қўйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман қайтарилиши керак:

- 1) давлат божни қонун ҳужжатларида талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланганида;
2) суд даъво аризасини (аризани, шикоятни) қайтарганда ёки қабул қилишни рад этганда, шунингдек, давлат нотариал идоралари нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этганда;
3) апелляция, кассация ва назорат шикоятни қайтаришдан ёки уни қабул қилиш рад этилганда;
3-1) давлат божни тўланган даъво аризаси (ариза, шикоят) ёки апелляция, кассация ва назорат шикоятни судга келиб тушганда;
4) агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилганда;
5) ариза кўрмасдан қолдирилганда, агар у муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;
6) ишда қатнашган шахс вафот этганда, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;
7) даъвогар низоли судга қадар ҳал этиш (претензия билдириш) тартибиди риюа этмаганида, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса;
8) воқеа ётмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг никоҳи ўзаро розилик асосида бекор қилинганини қайд этиш учун давлат божни тўлаганда, агар эр-хотиннинг ярашиши ёки улардан бирининг судга келимаганлиги туфайли никоҳни бекор қилиш амалга оширилмаган бўлса;
9) агар ишда қатнашаётган юридик шахс тугатилган бўлса;
10) суд бўйруғи чиқариш тўғрисидаги аризини қабул қилиш рад этилганда;

11) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжат бериш рад этилганда.

Давлат божни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа ҳолларда ҳам тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин. Давлат божни суммаларини қайтариш тўловчининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорлари асосида амалга оширилади. Давлат божни суммасини қайтариш учун аризачи давлат божини ундирган тегишли давлат органига ёки ташкилотига ёки ташкилотининг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз хисобварақларига ўтказилган давлат божни суммаларининг тегишли қисмларини қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтарилар. Ўз навбатида, давлат органи ёки ташкилот қайтарилиши лозим бўлган, илгари давлат бюджети даромадига ўтказилган давлат божни суммасининг бир қисмини қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда хабар юборади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодекснинг 112-моддасига кўра, суд ҳужжатида давлат божини тўлиқ ёки қисман қайтариш учун асос бўладиган ҳолатлар кўрсатилади.

Давлат божни тўланган, лекин судга келиб тушмаган ёки ушбу суд қайтарган аризалар, апелляция, кассация ёки назорат шикоятларига доир давлат божлари ҳамда божни тўлиқ ёки қисман қайтариш назарда тутилган суд ҳужжатларига доир суд томонидан берилган маълумотномага асосан қайтарилади.

С.ЮЛДОШЕВ, Миробод туман маъмурий суди раиси

Касаба уюшмалари ҳаётдан

Пойтахтимизда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан “Жамоа шартномалари ва келишувлари меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилларидан бири” мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Бугун мамлакатимизда ижтимоий шерикликнинг турли шакллари ривожланиши ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини таъминлашда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик муҳим аҳамиятга эга. Жамоа шартномаси меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик маҳсули бўлиб, корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий масалаларга ва касбга оид муносабатларни тартибга солиш норматив ҳужжатдир. Мазкур локал ҳужжат иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида имзоланиб, ижтимоий шериклик асосида амалга оширилади.

Жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат ҳавфсизлиги даражасини ошириш, иш ўринларида санитар-гигиеник вазиятни яхшилаш, ходимларни яқка тартибдаги ва жамоавий ҳимоя воситалари, санитар-маиший хоналар билан таъминлаш, иш ўринларини шаходатдан ўтказиш, меҳнат муҳофазаси қондаларига ўргатиш, зарарли меҳнат шартнолари учун ходимларга имтиёз ва компенсациялар бериш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, Жамоа шартномаларига киритиш орқали иш вақти ва дам олиш вақтини тартибга солиш борасида аксарият корхона ва ташкилотларда асосий узайтирилган ҳамда қўшимча таътиллари ўрнатилган. Иш стажига қараб қўшимча таътиллари бериш тартиби жорий этилган. Натижада 2 млн. 500 минг нафардан зиёд ҳодим асосий узайтирилган, 2 млн. 300 минг нафарга яқин ходим эса йиллик қўшимча таътилларида фойдаланишмоқда.

Жамоа шартномалари ва келишувлари меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда улар турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилларидан бири эканлигини таъкидлаш жоиз, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев. — Қонун ҳужжатларига биноан Ўзбекистонда меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тўғрисида, яъни умумреспублика, тармоқ, ҳудудий ва локал миқёсларда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида 2017–2019 йиллар учун тузилган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув умумреспублика миқёсида ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати ҳисобланади. Бош келишув асосида республикада 105 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишувлар, бевосита

ташкilotларда эса 157 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амал қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида имзоланаётган жамоа шартномаларининг ижтимоий таркибини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада бугун жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ходимларнинг тўла бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари ҳал этилмоқда. Жамоа шартномалари ва келишувларига ходимлар меҳнатига ҳақ

МЕҲНАТКАШЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

тўлашни ташкил этишга, устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларни ўрнатиш тартибига оид аниқ ва батафсил меъёrlар киритилмоқда. Ҳуқуқатомонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасига нисбатан оширилган тариф коэффициентларини ўз ичига олган тармоқ ва локал тариф сеткаларини жорий этиш йўли билан меҳнат ҳақи миқдорларини жамоа-шартномавий тарзда ўрнатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида турли соҳаларда меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларидан қарийб 764 минг нафарининг иш ҳақлари оширилган тариф коэффициентларини бўйича ҳисоблаб тўланмоқда.

Ижтимоий қафолатлар, соғлиқни муҳофазаси қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, шу жумладан, болаларни соғломлаштириш масалалари жамоа шартномалари ва келишувларининг муҳим бўлими ҳисобланади. Хусусан, 2018 йилда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 25 минг 391 та ёш оилаларга муқаддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш ҳамда уй-жой қуриш учун фойсиз соҳулар ажратилди. Ижтимоий ҳимоятлаб оилалар вакилларида 56 минг 166 нафарга эса моддий ёрдам кўрсатилди ва ушбу мақсадлар учун касаба уюшмалари ва иш берувчилар ҳисобидан 25 млрд. 220 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Шу билан бирга корхона ва ташкилотларда боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалардан бўлган ходимларнинг 75 минг 982 нафар фарзандлари жамоа шартномалари орқали 13 млрд. 884 млн. сўмлик ўқув анжомлари билан таъминланди.

Икки ёшдан уч ёшгача фарзандлари бўлган 10 минг 702 нафар аёлга 3 млрд. 830 млн. сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан нодавлат секторидagi корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмаларига жалб этиш ва мазкур корхоналарда жамоа шартномаларини тузиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижасида 2018 йил давомида шу турдаги корхоналарда меҳнат қилаётган қарийб 7 минг нафар болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилиб, имтиёз ва қулайликлар яратилди. Ушбу мақсадларга корхоналар ҳисобидан 1 млрд. 682 млн. сўм сарфланди. Ёш болали ишловчи аёллардан 126 минг 441 нафарига икки ёшга тўлмаган фарзандини оқватлантириш учун ҳақ тўланадиган танлаффуслар бериш тизими жорий этилди. Шунингдек, 67 минг 821 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари корхона ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан соғломлаштирилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, барча жамоа шартномалари ва келишувларига аёллар ва ёшлар меҳнатини тартибга солиш бўйича меъёрий бўлимлар киритилган бўлиб, уларда ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга оғишмай рия қилиш, мажбурий ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик, камситмаслик ва тенг аҳамиятли меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш принципларига риоя этиш борасида иш берувчиларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Жорий йилда республика миқёсида корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари бажарилиши яқунларига бағишланган меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда юқори касаба уюшмаси органлари вакиллари иштироки таъминланди.

Бугунги кунда тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки амалдаги жамоа шартномаларининг деярли 99,4 фоизига иш берувчи ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал касаба уюшма кўмитасининг розилигини албатта олиш лозимлиги тўғрисидаги банд киритилган. Кейинги йилларда жамоа шартномалари ижтимоий таркибининг кучайтирилиши натижасида жамоа шартномалари ходимларининг бевосита ва бевосита даромадларини ошириш манбаига айланди. Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда ўрта ҳисобда бир ходимга ойлик маошдан ташқари жамоа шартномаси орқали бир йилда сарфланган маблағ миқдори бундан 4-5 йил аввал ўртача 1,5 млн. сўмини ташкил этган бўлса, ўтган йил давомида ўртача 3,5 млн. сўмдан зиёددир, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида эса 8-12 млн. сўмини ташкил этди.

Тадбирда бугунги кунда жамоа шартномалари ва келишувлари иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқаришнинг рақобатдошлигини ошириш, ходимларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасида меҳнат муносабатлари барча субъектларнинг ўзаро манфаатдорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этгани алоҳида таъкидланди.

Зиёда РАСУЛОВА

Таълим

АБИТУРИЕНТЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР

Пойтахтимизда Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушунтириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан брифинг уюштирилди.

Тадбирда таъкидланишича юқоридаги қарорга мувофиқ 2019/2021 ўқув йили қабулдан бошлаб абитуриентларга олий таълим муассасаларининг тест синовлари топширилайдиган фанлар мажмуаси бўйича бир хил бўлган унчагина бакалаврият таълим йўналишида танловда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. Кириш тест синовлари июль-август ойларида бўлиб ўтади.

— 2020–2021 ўқув йили қабулдан бошлаб тест синови топширилайдиган фанлар мажмуаси икки бўлимга ажратилади, — дейди Давлат тест маркази бош қарамбола бошлиги Барно Ражабов. — Биринчи бўлимга барча тест топширувчилар учун мажбурий 3 та фан она тили, (ўзбек, рус, қорақалпоқ тили) математика ва Ўзбекистон тарихи, иккинчи бўлимга абитуриент танлаган бакалаврият таълим йўналишига мос 2 та фан киритилади. Яна муҳим бир маълумот: абитуриентларни шу вақтгача қийнаб келаётган масалалардан бири ДТМ рухсатномаларини қай вақтда олиниши эди. Жорий йилдан бошлаб ДТМ рухсатномалари бевосита Давлат тест маркази сайтидан фойдаланиб, ўзига тегишли рухсатномани юклаб олиши мумкин.

Брифингда тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини тугатган абитуриентлардан (ногиронлиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар бундан мустасно) тест синовларида иштирок этиш учун энг кам иш ҳақининг ярим бавазари миқдорда тўлов ундирилиши ҳақидаги маълумот ҳам қайд этиб ўтилди.

Абитуриентларнинг тест синовидан тўплаган баллари ҳақидаги маълумот тест синови ўтказиладиган куннинг эртасига, унинг талабалikka тавсия этилган ёки этилмагани бўйича белгилаб берилган тартибда тасдиқланган танлов натижаси тест синовларини ўтказиш жараёнини тўлиқ яқунлангандан сўнг бир ҳафта муқаддат ичида Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЁШЛАР

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Баркамол авлод – Ватан фахри” таълим лойиҳасининг экспертлар кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридаги 64-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг энг яхши илмий ишлари тақдим этилди.

Ушбу лойиҳа 2010 йилда “Шарқ аёли” халқаро аёллар жамоат фонди томонидан ишга туширилган.

“Баркамол авлод – Ватан фахри” таълим лойиҳасининг мақсади ўқувчиларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, билим олишни рағбатлантиришдан иборатдир. Бу борада “Шарқ аёли” халқаро аёллар жамоат фонди бир қанча мақсадли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Бинобарин, мактаблар қoшида кичик академиялар ташкил этилиши бунинг яққол мисолидир. Мазкур фонд ҳар бир боланинг қизиқишига қараб мавзу ва йўналишларни танлаб, ўқитувчи, ота-оналар билан ҳамкорликда мактаб давридаёқ илмий ишларга уларни йўналтириши ўз олдига мақсад қилиб қўйишган.

“Шарқ аёли” халқаро аёллар жамоат фонди ҳар йили лойиҳаларни мактаблардан саралаб олиб, илмий салоҳияти юқори бўлган мутахассислардан иборат экспертлар кенгаши кўригидан ўтказишди.

Тадбир доирасида пойтахтимиздаги 64-умумтаълим мактабига фаолият юритаётган кичик академия иштирокчиларининг илмий ишлари эшитилди. Мазкур ишлар гоёнинг долзарблиги, ёшга мос билим, қўникама ва қобилиятлар, ифода этиш иқтидори каби мезонларга мувофиқ тарзда баҳоланди.

Иштирок этаётган ўқувчиларнинг ҳар бир нутқи катта қизиқиш билан тингланди, илмий ишларнинг долзарблиги ва амалий аҳамияти муносиб баҳоланди. Экспертлар кенгаш аъзолари ёш тадқиқотчиларни диплом ва совғалар билан тақдирлади.

Гули ЧЕХРА

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Тошкент давлат аграр университетида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ихтирочи аёллар маркази ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган “AGROWOMENUZ” форуми доирасида қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали изланаётган ва фаолият юритаётган хотин-қизларнинг илмий тадқиқотларига бағишланган кўргазмаси бўлиб ўтди.

Бугунги кунда шаҳарларимизнинг чиройи, жозибadorлиги ландшафт дизайнига боглик, — дейди ландшафт дизайни бўйича самарали изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи, пойтахтимизда ўтказилган Landshaft Open-uz фестивали гoлиби Феруза Рашидова. — Бу кўргазма аграр соҳада изланаётган хотин-қизларнинг илмий тадқиқотлари, лойиҳалари билан кенгроқ танишиш, ҳамкорлик қилиш илмий ва амалий билимларини янада бойитиш имконини беради.

Халқаро форум доирасида қизиқарли маҳорат дарслари, ўқув-семинарлари, ишлан-

малар тақдимотлари ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси аграр соҳада изланаётган аёллар учун муҳим аҳамиятга эга.

Кўргазмада иштирокчилар аграр соҳада илмий изланиш олиб бораётган ёш тадқиқотчилар, олималар, селекционерлар, таянч докторантларнинг янги навларини яратиш, интенсиив усулда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, балиқчилик, пиллачилик, ландшафт дизайни, ўсимликларни турли зараркунандалардан ҳимоялаш ва бошқа йўналишлардаги лойиҳалари билан батафсил танишиш имкониятига ҳам эга бўлишди.



ЎЛАН АЙТГАЛИ КЕЛДИК

Ғафур Ғулom номидаги маданият ва истироҳат боғида лапар ва ўлан ижрочилари иштирокида анъанавий фольклор санъати байрамига бағишланган маданий-маърифий-музикаий ижодий кеча бўлиб ўтди.

Тадбир мазкур маданият ва истироҳат боғи ҳамда Республика Маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов, филология фанлари доктори, профессор Маматкул Жўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти Гулшод Отабоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Аминжонов ва бошқалар сўзга чиқди.

Улар ўз қизиқларида мамлакатимизда миллий музика санъатини янада ривожлантириш, фольклор санъатининг нодир қирраларини тарғиб қилиш, ёшлар онгу тафаккурига миллий маданиятимизни синдириш ва шу билан бирга иқтидорли ёшларни юзага чиқариш, уларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

— Обод ва озод Ватанимиз мадҳунини турли жанрларда таранум этиш, миллий қўшиқчилигимизни такомиллаштириш, фольклор санъатининг бекароллигини намойиш этиш, янги истеъодларни кашф этиш, ўз орзу-мақсадлари сари интилаётган ёшларимизни қўллаб-қувватлаш йўлида юртимизда кенг қўллаб-қувватлаш ва самарали ишлар олиб боришмоқда, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Тохиров. — Бу маданий-маърифий тадбир ҳам ёшларнинг лапар ва ўлан ижрочилигига бўлган қизиқишларини ошириш билан бирга “Устоз-шогирд” анъаналарини давом эттиришда фольклор йўналишида ижод қилаётган ижрочиларнинг ютуқларини кенг жамоатчиликка таништиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ғафур Ғулom номидаги маданият ва истироҳат боғи қoшидаги “Дурдона”, Т.Содиқов номидаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази қoшидаги “Нодирабегим”, Олмазор тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази

зи қoшидаги “Ўзбекойим” халқ фольклор-этнографик ансамбллари ҳамда “Хилола” намунавий болалар фольклор жамоаси ижросидаги оҳанрабо куй ва қўшиқлар, гўзал рақслар тадбирнинг мазмун-моҳиятини янада ошириб берди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаларининг махсус концерт дастурлари маданий кечанинг мароқли чиқишини таъминлади. Шунингдек, Халқаро ва Республика танловлари совриндорлари ўланчи Турдали Пардаев, қозоқ оқини Қўлмихан Дўйсенов ҳамда Кимёхон Қосимова бошчилигидаги ўланчилар гуруҳи иштирокидаги айтишувлар иштирокчиларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Чилонзор тумани “Ғавҳар” маҳалла фуқаролар йиғини қoшида ташкил этилган “Ғавҳар” халқ этнографик ансамбллари байрамона дастурлари, Республика “Баркамол авлод” болалар техник-ижодий маркази қoшидаги “Дурдона” болалар рақс жамоасининг шўх-шодон репертуари ва “Турон” спортчилар гуруҳининг сахна кўринишлари, “Бувижонлар” фольклор жамоаларининг махсус концерт дастурлари богга ташриф буюрувчилар ва тадбир иштирокчиларнинг қалбига бир олам хушунлиқ бағишлади.

Мирзо Улуғбек туманидаги 248-мактаб қoшидаги Шахло Иброҳимова раҳбарлигидаги “Шoш” болалар фольклор-этнографик гуруҳи иштирокчиларининг музикаий дастурлари, Жиззах вилоятининг Зомин туманидан ташриф буюрган ўланчилар Сайёра ва Мафтунга Тўраевларнинг лапар ва ўланлари ҳам олқишларига сазовор бўлди.

Байрам тадбири доирасида Чилонзор ва Учтепа туманидаги “Баркамол авлод” болалар ижодий марказлари қoшидаги миллий хунармандчилик тўғраги катнашчиларининг ижодий ишлари асосидаги кўргазмалар ташкил этилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

НОЁБ АСАРЛАР НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда Музейлар кунини муносиб нишонлаш мақсадида бир қатор амалий тадбирлар уюштирилди.

Бу борада шаҳримиздаги барча музейларда турли кўргазмалар, ижодий учрашувлар ва тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилди. Шу муносабат билан пойтахтимизга нафақат Ўзбекистон, балки жаҳоннинг энг яхши бадиий тўпламлардан бири келтирилди.

Жорий йилнинг 18 майдан 31 майга қадар рус ва ўзбек авангардистларининг И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи тўпламидан ноёб асарлари Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида намойиш этилади. Шу муносабат билан

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг мажлислар залида мамлакатимиз музейларидаги ашёлар ва коллекциялари хатловдан ўтказилганлиги бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда смарт музейларнинг тақдимоти бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкент давлат шарқшунослик институтида ўзбекистонлик ва ҳиндистонлик олимлар ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Урду шеърини” монографиясининг тақдими бўлиб ўтди.

Мазкур монография Тошкент давлат шарқшунослик институти доценти, филология фанлари номзоди Мухайиб Абдурахмонова ва Ҳиндистоннинг Жавахарлал Неру университети профессори Хожа Икромиддин ўртасидаги илмий-ижодий ҳамкорлигининг маҳсулидир. Китоб урду тилида ёзилган бўлиб, Ҳиндистондаги илмий адабиётларни тайёрлашга ихтисослашган “Brown book publications” нашриётида босмадан чиқди. Унда XIII асрдан то ҳозирги вақтгача бўлган давр мобайнида урду шеърининг шаклланиши ва тадрижий ривожланиши батафсил ёритилган.

Тақдимода Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Лазъл Баҳодир Шастри номидаги Маданият маркази директори, профессор Чандра Шекхар, Жавахарлал

Неру университетининг профессорлари Хожа Икромиддин ва Ахлқ Аҳмад Ансорий иштирок этди. Чандра Шекхар сўзга чиқиб, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва Жавахарлал Неру университети ўртасидаги илмий ҳамкорлик самарали йўлга қўйилганини, икки мамлакатнинг илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқалари изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ҳиндистонлик профессор Хожа Икромиддин эса 2018–2019 ўқув йилидан Тошкент давлат шарқшунослик институтида фаолият олиб бораётгани. У ушбу институт ўқитувчиларининг илмий салоҳияти, хиндай ва урду тили бўйича таҳсил олаётган талабалар, магистрларнинг билим даражаси юқори эканини қайд этиб ўтди.

Гулиногор САТТОРОВА



МУТАХАССИСЛАР ИСПАНИЯДА БЎЛИШДИ

Испания пойтахти Мадрид шаҳрида уюштирилган халқаро ўқув семинарда ПФЛ мутахассислари, Суперлига клубларининг маркетинг, халқаро алоқалар бўлимлари ходимлари, "Реал" футбол клубида фаолият юритаётган мураббийлар, ходимлар иштирок этишди.

"Реал" клуби қароргоҳида ўзбекистонлик мутахассислар "Реал"нинг стратегик ривожланиш бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритган Хосе Роман Кальдевьелланнинг иш тажрибалари билан танишди. Кейин 2006 – 2009 йилларда "Реал" клубига президентлик қилган Роман Кальдевьелланнинг клуб менежменти, клубни иқтисодий танг аҳволдан қай йўсинда олиб чиқиш, клубнинг ўз харажатларини ўзи қоплаши учун амалга оширилган лозим бўлган чоралар, ҳомийлар билан самарали ишлаш бўйича қилган маърузаси ўзбекистонлик иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Семинар давомида шунингдек, футбол саноатининг ҳозирги даражада тавонган

ланишида клуб ва лиганинг ўрни, маркетинг соҳасини ривожлантириш, савияли легионерларни жалб этишдаги муҳим омиллар, қолаверса, лига нуфузи ва оммабоплигини оширишда машҳур футболчилардан унумли фойдаланиш каби масалалар муҳокама этилди. "Реал" академиясига ташриф буюрган ҳамюртларимиз клуб фаолияти билан яқиндан танишди. Семинарда ўзбекистонликлар учун Ла-лига вакиллари билан қатор учрашувлар ташкил этилди ва унда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, Испания клубларининг футболда эришган ютуқлари ва тажрибаларини ўзбек клубларида ҳам татбиқ этиш бўйича ўзаро фикрлар алмашилди.

Ақбар Йўлдошев

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География ва табиий ресурслар факультетида "Ўзбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик имкониятлари ва истиқболлари" мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда Россия, Польша, Хитой, Қозоғистон, Тожикистон, Сербия, Грузия каби 10 дан ортиқ мамлакатлардан олимлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар Ёшлар марказида бошланган анжуманда ЎЗМУ ректори Авазжон Мараҳимов ва бошқалар география фанини ривожлантириш, соҳадаги айрим муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш, бу борада халқаро ҳамкорликда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар самараси ҳақида атрофлича сўз юртди.

Ўзбекистон География жамияти президенти вази фасини бажарувчи, профессор Фазлиддин Ҳикматов, Россия ижтимоий географлар ассоциацияси

президенти, профессор Александр Дружинин, Сербия География жамияти президенти, профессор Райко Гнято, Тбилиси давлат университети профессори Иосиф Салкувазе, Польша Познан университети профессори Тадеуш Стриякевич, тожикистонлик профессор Холназар Муҳаббатов, Қозоғистон Миллий университети профессори Асима Кошим ва бошқа таниқли географ олимларнинг маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Анжуманда соҳа мутахассислари географиянинг долзарб масалалари, умум-башарий муаммолар ва уларнинг ечимлари юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗМУ Ахборот хизмати

Қилмиш – қидирмиш

ҚОНУНБУЗАРЛАРДАН БОЖЛАР ТЎЛИҚ УНДИРИЛДИ

Тўловларни четлаб ўтишга уринган қонунбузарлардан божлар тўлиқ ундирилди.

Божхона ходимлари томонидан божхона чегаралари орқали олиб ўтилаётган товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодларини ўзгартириш каби қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси "Арк-булоқ" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан пойтахтимизда фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамият раҳбари У.И. томонидан тақдим этилган божхона юк декларациясида "Горизонтал кўп қаватли насослар" товарининг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодини нотўғри таснифлаш орқали 58 миллион сўмни ноқонуний "иқтисод" қилгани аниқланди. Натijaда қўшимча божхона тўловлари ундирилди.

Шунингдек, "Сергели" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан декларацияловчи шахс М.А. томонидан хориқдан пойтахтимизда фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамият номига келган 26739,2 метр узунликдаги "Шиша толали кувурлар ишлаб чиқариш учун полиэфир толали рангли дока" товарининг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси кодини нотўғри таснифлаш, божхона расмийлаштирувга тақдим этганлиги маълум бўлди. Натijaда давлат бюджетига 50,3 миллион сўм божхона тўловлари ундирилмай қолишининг олди олинди.

Яна бир ҳолатда "Тошкент-товар" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари томонидан божхона қонунчилиги бузилиши аниқланди. Яъни пойтахтимизда фаолият олиб бораётган хусусий корхоналардан бирининг номига олиб келинган товарларнинг кодини нотўғри кўрсатиш натижасида қонунбузарлар қўшимча 15 миллион сўмдан ортиқ божхона тўловларини тўламаганлиги аниқланди ва тўловлар ундирилиши таъминланди.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

САВДОСИ "ПИШМАДИ"

Мамлакатимиздаги мавжуд тартибга кўра, хориқ валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича қатъий тартиб белгиланган. Шунга қарамай айрим фуқароларимиз билиб-билмай қинғир ишга кўл урмоқда. Натijaда ўзларига ташвиш ортирарпти. Бунга валютага оид жиноятларни аниқлаш ва баргараф этиш бўйича олиб борилган тадбирлар натижаси мисол бўла олади.

Нодир Матназаров ҳамда Олим Бозоров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Учтепа тумани Лутфий кўчасида жойлашган ошхона атрофида 8000 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда 68.400.000 сўмга сотаётганида "қопқон"га тушди. Хориқ валютаси билан ноқонуний савдо-сотик қилганларга нисбатан жиноят иши кўзга тилди.

"Аттанг, бундай бўлишини билмабман", дея афсусда улар. Айтиш кераки, ҳуқуқбузарлар даромад олиш мақсадида қонун талабларини бузган. Доллар олди-сотдидан пул ишлаб оламан деганларнинг савдоси "пишмади". Оқибати эса хуқуқ бўлди.

Хориқ валютаси савдоси билан ноқонуний шугулланувчи шахсларга нисбатан ҳужжат расмийлаштирилди. Уларнинг иккаласи ҳам жазога тортилди.

8000 АҚШ доллари эса давлат ҳисобига ўтказилди.

Бошқарувчи СУВОНОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖКК департаменти Мирзо Улуғбек туман бўлими инспектори

Қатра

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

Шомурод хизмат сафарининг учинчи кун ишларини битирди. Шаҳарни дурустроқ айланб, томоша қилмоқчи бўлди. Меҳмонхонадан чиқиб, фаввора ёнида сув эпкинидан ҳузурланиб тургач, марказий хиёбон бўйлаб кета бошлади. Шу маҳал қаршидан келаётган ёшгина, қайрилма кеприқлари шахло кўзларига ярашиб турган қизнинг ўзига алланечук ҳайрат ва қизиксиниш билан қараб қолганини кўриб, беихтиёр секинлашди. Қиз ҳам қаршига келиб тўхтаб қолди.

– Амаки! – деди қиз илтижо билан. – Ўша кун олиб қўйилган нарсаларини қайтариб беринг. Қари онам билан яшайман, мендан бошқа боқувчиси йўқ, илтимос, хўп дея қолинг.

– Тушунмадим, қанака нарсалар? Нималар деяпсан? – Шомурод кутилмаган бу гаплардан ажабланди.

– Божхонада рухсатномаси йўқ экан деб олиб қўйдинглар-ку!

– Мени... қаердан танийсан?

– Сизни ўша кун кўрдим, одамларингизга буйруқ бериб турувдингиз.

– "Э-ҳа, мени кимгадир ўхшатапти, – деб ўйлади Шомурод. Наҳотки божхоначиларга ўхшасам. Ёш ҳам ўятпти, амаки деяпти-ку... Бошини айлангирсаммикин? Иши тушиб турибди, йўқ демас..."

– Хўш, мабодо сенга ёрдам берсам... эвазига...

– Сиз нима десангиз – шу! – деди қиз ногоҳ жонланб.

– Ҳар қандай шартга...

– Розиман, чунки... бошқа иложим йўқ.

– Майли, келишдик. Ҳозир меҳмонхонага борамиз ("Меҳмонхонада тураман" деёлмади) ўша ерда бироз... дам оламиз.

Қиз "дам олиш"нинг маъносини ўзича тушуниб, қизаринди.

Худди олдиндан келишилгандек, ўша хиёбон-

дан меҳмонхона томон секин юриб кетишди. Шомурод энди қизга дурустроқ разм солди.

"Ота-боболаримиз асрлар давомида куйлаб, орзу қилиб келган висол энди шу қадар осон ва арзон бўлиб қолди? Мавлоно Муқимий "Бўса нархини арзон қил" деганда наҳотки шу кунларни назарда тутган?..."

Фаввора атрофига қўйилган ўриндиққа келиб ўтиришди. Шомурод қизнинг ўзига қаради-ю бирдан сергак тортиди. Қиз бошини эгиб, унсизгина йиғларди. Йигит шошиб қолди. Ўзича афсусланди, хижолат бўлди.

– Синглим, – деди қизнинг кўзларига тикилиб, – бояги гапларим ҳазил, сизни шунчаки... синамоқчи эдим. Ҳаёт мураккаб нарса, ҳар қандай ҳолатда...

– Агар ҳаёт... мажбур қилса-чи? – қиз соддадил билан сўради.

– Сиз жуда мушкул савол бердингиз. Ҳамма бало, ҳамма иллат ана ўша жумбоқ-саволдан бошланади. Айбни ҳаётга ағдариб қўя қолиш осон...

– Унда... нима қилиш керак? – қиз мўлтираб қаради.

Шомурод бу мушкул саволга шу лаҳза жавоб беролмади. Қизнинг оҳиз тасаввур иждидий мушоҳадага қодир эмас деб ўйлади. Иккиси ҳам жимиб қолди.

– Юринг, сизни кузатиб қўяман, – деди Шомурод аста ўрндан кўзголиб. – Фақат, агар оғир ботмаса, сизга бир оғизгина гапим бор эди.

Қиз нима дейсиз дегандек кўзларини мўлтирати тикилди.

– Ҳар қандай шароитда, ҳар қандай вазиятда... ифатингизни сақланг. У ўша божхоначи олиб қўйган нарсаларингиздан ҳам қиммат туради.

Қиз тушундим дегандек бошини қимирлатди ва хиёбондан секин юриб кетди.

Шодмон ОТАБЕК

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Миробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 20.03.2019 йилда № 701664 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "ARSLON SERVIS GROUP" ХК (СТИП 306255611) таъсисчининг 2.05.2019 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй, 8-хонадон манзилида қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидаги 40-сонли мактаб томонидан 2001 йилда Сулайманова Сарвиноз Муҳаммад Исмоиловна номига берилган О'Р-А № 1131706 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент вилояти Зангиота тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Зангиота тумани, Бўзсув ҚФЙ, Анчисой МФЙ, Катта Оқсой 4-берк кўчаси, 14-уй учун Исаходжаева Мунира Раҳимджановна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи томонидан 2001 йилда Кузнецова Ксения Александровна номига берилган № 474245 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

Оғир қисматга кўпинча кишининг энгиллиги сабаб бўлади.

* * *

Қайсарнинг ён бергани – жон бергани.

* * *

Нодоннинг галабасидан дононинг мағлубияти афзал.

* * *

Доно имкон қидиради, нодон баҳона.

* * *

Узун эмас, мазмунли умр иста.

* * *

Оила ҳам инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири.

* * *

Кексаларнинг ақлию ёшларнинг гайрати билан иш қилиш керак.

* * *

Ҳосилнинг чўғи ўримда билинади.

* * *

Бировнинг ёрдами миннатли бўлади.

* * *

Кўнгил – сирлар сандиғи.

* * *

Ширин сўзнинг сеҳри бор.

* * *

Одамлар бировнинг яхшилигини эмас, ёмонлигини гапирдилар.

* * *

Ҳисоб-китоби тўғри киши аросатда қолмайди.

* * *

Сохтакорлик дарҳол кўзга ташланади.

* * *

Кўп нарса кишининг ўзига боғлиқ.

* * *

Молу давлатнинг ўзи бахтли бўлиш учун кифоя эмас.

* * *

Нодоннинг кўнгли тор бўлади.

* * *

Кўлидан иш келган хор бўлмайди.

* * *

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР
Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти томонидан 2003 йилда Ахмерова Гулнур Қудратовна номига берилган В № 111279 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Учтепа тумани, Бешқайрағоч, Ходи Зариф кўчалари қесишувига жойлашган бекатнинг савдо шохобчаси қурилиши учун "BUNYOD - ANIL" МЧЖ номига 26.04.2011 йилда бино-иншоотга берилган ТА 1184179 рақамли ва реестр рақами 1-118/2011 бўлган 10:01:02:02:03:0052 рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 23 май кунини ҳаво вақти-вақти билан ўзгартириб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эса...